

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ ШЕРЗОД ТАШПЎЛАТОВИЧ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ
ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 657.1+629.3 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Эргашев Шерзод Ташпўлатович

Автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни
такомиллаштириш..... 3

Эргашев Шерзод Ташпулатович

Совершенствование экономического анализа на предприятиях
автомобильного транспорта..... 23

Ergashev Sherzod Tashpulatovich

Improving economic analysis at automobile transport enterprises..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ ШЕРЗОД ТАШПЎЛАТОВИЧ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ
ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1379 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Калонов Мухиддин Бахритдинович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Абдугапур Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Очилов Илём Келдиёрович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

Б.Т.Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда транспорт хизматларига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда деярли ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ва ишлаб чиқаришда автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланади ҳамда унга эҳтиёж сезади. Чунки автомобиль транспорти воситалари мобиль бўлганлиги сабабли, темир йўл, ҳаво йўли ва сув транспортларидан фарқли ўлароқ, сўнгги манзилга етказиб беришни таъминлайди. Бундан ташқари, қисқа манзилларга етказиб бериш айнан автомобиль транспорти воситаларига хосдир. Автомобиль транспорти суткада 24 соат давомида энг кам сонли йўловчиларни ва энг кичик ҳажмли юкларни ҳам ташиш бўйича ўз хизматини таклиф эта олади. «Шу боис дунёда автомобиль транспорти XX асрнинг ўрталаридан бошлаб қуруқликдаги транспортлар бўйича етакчи ўринга чиқиб олди ва дунё миқёсида йўловчи ташиш ҳажми 82 фоизга етди»¹. Дунё бўйича логистика хизматида охириги нуқталарга етказиб бериш автомобиль транспорти воситалари томонидан амалга оширилади. Шу сабабдан ҳам транспорт хизматлари турлари ичида асосий ўринни автомобиль транспорти хизмати эгаллайди. Транспорт хизмати харажатлари ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида мавжуд, шунингдек, бирор соҳани транспорт хизматисиз тасаввур қилиш имконсиз.

Дунё миқёсида транспорт хизматларининг ривожланиши миллий транспорт хизматларининг ривожланишига туртки бўлмоқда. Транспорт хизматлари ривожланиши барча соҳаларнинг тараққий этишига таъсир кўрсатади. Жаҳонда ишлаб чиқариш ва халқаро савдонинг ҳаракатини белгиловчи таркибий силжишлар жаҳон автомобиль транспорти соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Автомобиль транспорти корхоналарини иқтисодий таҳлил қилиш орқали ўрганиш бўйича замонавий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилиши ва бунга объектив эҳтиёжнинг шаклланиши ушбу тадқиқотнинг жаҳон миқёсида бирдек долзарблигини кўрсатади.

Республикамизда транспорт тизими, жумладан, автомобиль транспорти орқали ташиш хизматлари сифатини кўтариш, хизматлар таннархини пасайтириш, автомобиль транспорти хизмати кўрсатувчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Транспорт соҳасида «темир йўл, автомобиль ва авиация транспортини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юк ташиш бўйича улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш..., шаффоф ва рақобат муҳитини яратиш, ҳаракат таркиби паркини кенгайтириш»² муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган. Бу борада автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи субъектлар рентабеллигини

¹ <https://eee-region.ru/article/4602/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018 – 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

аниқлаш, молиявий барқарорлик ва активлар билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича тўлиқ ахборот базасини шакллантириш асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали хизматлар даражаси ва сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сон «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик иқтисодчи олимлар: М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, А.М.Фридман, Е.В.Табачникова, А.С.Стринковская, В.П.Павельев, Е.В.Павельева, С.А.Яценко, Н.В.Тарханова, А.А.Бырбыткин, шунингдек, республикамик иқтисодчи олимлари: И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Б.А.Хасанов, М.Б.Калонов³

³ Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. – М.: ИНФРА-М, 2011. – С.13, 367; Фридман А.М. Финансы организации (предприятия). Учебник. 2-е изд. – М.: Дашков и К, 2013. – С.368 – 369. Табачникова Е.В. Исследование влияния факторов внешней среды на устойчивость транспортного предприятия // Вестник АГТУ. Сер.: Экономика. 2019. №1. – С.53 – 61; Стринковская А.С. Экономический анализ и диагностика бизнес-среды грузовых автотранспортных предприятий в системе принятия управленческих решений // Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. 2016. №3 (13). – С.69; Павельев В.П., Павельева Е.В. Применение факторного анализа для оценки эффективности управления предприятием // Известия МГТУ «МАМИ». 2013. №4 (18). Т.1. Серия 5. Социально-экономические науки; Яценко С.А. Качество логистики с позиций обслуживания клиентуры в транспортно-логистических компаниях // Известия Волгоградского государственного технического университета. 2014. №19 (146). Вып. 9. – С.88 – 91; Тарханова Н.В. Анализ себестоимости транспортных услуг // ВЕСТНИК ИрГТУ. 2015. №12 (107); Бырбыткин А.А. Методы экономического анализа деятельности транспортных организаций для выявления признаков несостоятельности и преднамеренного банкротства // Transport business in Russia. 2017. №2. – С.144 – 155; Абдукаримов И.Т. Отчет о прибылях и убытках – основной источник информации для мониторинга и анализа финансовых результатов предприятия // Актуальные вопросы экономики и управления. 2013. №1 (047); Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Тошкент: Сано-стандарт, 2014. – 336 б; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005; Хасанов Б.А. ва бошқалар. Молиявий таҳлил: Дарслик. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2020. – 736 б; Калонов М.Б. Автомобиль транспорти корхоналарида харажатлар ҳисобини юритиш масалалари: Монография. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2018. – 176 б.

ва бошқа олимларнинг илмий ишларида транспорт корхоналарида иқтисодий таҳлил назарий ва методологик асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.Қ.Пардаев томонидан автомобиль хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари, юк ташувчи автомобиль хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Б.А.Хасанов тадқиқотларида соҳада харажатлар таҳлиliga асосий эътибор қаратилган. Айнан автомобиль транспорти корхоналарида тўлиқ иқтисодий таҳлилни ташкил этиш алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлил кўрсаткичларини аниқлаш ва назарий-услубий хулосаларни шакллантириш;

иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан автомобиль транспорти корхоналарида активлар рентабеллигини аниқлаш, асосий воситаларни гуруҳларга ажратиш, эскириш даражаси ва фонд қайтимини аниқлаш ҳамда янгилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти корхоналарида тўлов қобилияти коэффицентини ҳисоблаш тартиби бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти корхоналарида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлилинини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти корхоналарида пандемия ва ундан кейинги шароитда иқтисодий кўрсаткичларга баҳо бериш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда йўловчи ва юк ташиш хизматларини кўрсатувчи автомобиль транспорти корхоналари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий таҳлилинини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция, назарий ва амалий ўрганиш, статистик таҳлил, монографик кузатиш, интервью, сўровнома ўтказиш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхоналарда активлар рентабеллигини аниқлашда айнан ташиш хизматини кўрсатишда иштирок этган активлардан олинган фойдани ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

корхоналарда тўлов қобилияти коэффицентини аниқлашда жорий мажбуриятларга узоқ муддатли мажбуриятларнинг яқин олти ой ичида тўланадиган қисмини ҳисобга олиш таклиф этилган;

корхоналарда асосий воситаларнинг эскиришини бошланғич, ўрта ва юқори даражаларга ажратиш ҳамда ҳаракатдаги асосий воситаларнинг эскириши ва янгилашнинг энг кам меъёрларини белгилаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

корхоналарда асосий воситалар фонд қайтими ва рентабеллигини аниқлашда айнан ташиш хизматларини кўрсатишда иштирок этган асосий воситалардан олинган соф тушум ва фойдани ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспорти корхоналарида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини аудиторлик текширувлари бўйича бериладиган хулосани тақдим этиш муддати билан уйғунлаштириш лозимлиги асосланган, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини дастлабки вариантыда 1 мартгача, охириги вариантыда 1 майгача тақдим этиш таклифи берилган;

соҳа корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ўрганиш асосида самарадорлик кўрсаткичларини аниқланадиган ва таққосланадиган ҳамда хусусий ва умумий кўрсаткичлар гуруҳига ажратиш тавсия қилинган;

автомобиль транспорти корхоналари фаолияти барқарорлигини баҳолашда жорий, 3 ва 5 йиллик барқарорлик коэффицентини кўрсаткичларини ҳисобга олиб баҳо бериш тавсия этилган;

иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан автомобиль транспорти корхоналарида асосий воситаларни иккита йирик гуруҳга, яъни автомобиль транспорти корхонасининг бевосита асосий фаолиятини таъминлайдиган ҳаракатдаги таркиб асосий воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларига бўлиш тавсия этилган;

асосий воситаларни янгилаш коэффицентини қатъий тартибда белгилаш ва эскириш даражасига мутаносиб равишда янгилаш даражасини ҳисоблашда автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби учун алоҳида ҳисоблаш усули таклиф этилган;

дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланиш даври ва кунлик айланмасини топишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг йиллик ўртачасини барча дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг йиллик ўртачасидан келиб чиқиб ҳисоблаш таклифи ишлаб чиқилган;

пандемия ва ундан кейинги шароитда рентабеллик ва молиявий барқарорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни пандемиягача, пандемия

даври, пандемиядан кейинги корхона фаолиятини тиклаш даври ва ундан кейинги даврга бўлган ҳолда аниқлаш ва баҳо бериш таклифи берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда амалга оширилгани, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодий таҳлилга оид илмий-назарий ва методологик муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, «Иқтисодий таҳлил»га оид фанларни услубий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Ишлаб чиқилган таклифларнинг жорий этилиши автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни самарали ташкил қилиш орқали мавжуд ҳолатга баҳо бериш ва истиқболни режалаштириш, шунингдек, таҳлилий натижалар ва ахборотларнинг ишончлилигини ҳамда автомобиль транспорти корхоналарининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

активлар рентабеллигини аниқлашда фаолият билан боғлиқ фойдани айнан шу фойданинг шаклланишида қатнашган активларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан ҳисобланадиган активлар соф рентабеллигини аниқлаш ҳамда активлар ўртача йиллик қийматини ҳисоблашда фақат йил боши ва йил охиридаги қийматини эмас, ўрта ораликдаги фойда кўрсаткичлари ҳисобланган даврлар бўйича олиш (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 1/6395-сон ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг 2020 йил 18 декабрдаги 1-16/439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф натижасида активлар рентабеллиги амалдаги ҳисобланганидан аниқ натижани берган, фойда ишлаб топишда қатнашмаган активлар ҳисобига ёки ишлаб топилмаган фойда ҳисобига активлар рентабеллиги кўрсаткичи бўйича нотўғри ахборот тақдим қилиш бартараф этилган ҳамда кўрсаткичнинг ишончлилиги даражаси ошган;

автомобиль транспорти корхоналарида тўлов қобилияти коэффицентини ҳисоблашда жорий активлар ва жорий мажбуриятларни баланс кўрсаткичларидан эмас, балки ички бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан олиш таклифи (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 1/6395-сон ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг 2020 йил 18 декабрдаги 1-16/439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф қобилият коэффицентини доимий, жорий-реал маълумотлар асосида аниқлаш имкониятини яратди;

автомобиль транспорти корхоналарида асосий воситаларнинг янгилиниш коэффициентини аниқлашда бухгалтерия ҳисоби ички ҳисоб маълумотларидан фойдаланган ҳолда (бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланмасдан) янгидан сотиб олинган, қуриб битказилган, умуман олганда, ҳар қандай шаклда бухгалтерия ҳисобига асосий восита сифатида йил давомида қабул қилинган асосий воситалар қиймати, шу қирим қилинган асосий воситалар қийматини ҳам қўшган ҳолда асосий воситаларнинг йил охиридаги қийматига бўлиш (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 1/6395-сон ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг 2020 йил 18 декабрдаги 1-16/439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф натижасида асосий воситаларнинг эскириш даражалари, эскириш ва янгилиниш меъёрлари белгилаш ҳамда аниқ ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилди;

фонд қайтими кўрсаткичини ҳисобот даврида асосий воситалар иштирокида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушумни ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашган асосий воситаларнинг арифметик ўртача қийматига бўлиш орқали аниқлаш (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 1/6395-сон ва «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг 2020 йил 18 декабрдаги 1-16/439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф натижасида фонд қайтими кўрсаткичининг реал суммаси аниқланиб, асосли хулосалар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича илмий ишлар жами 16 та, жумладан, маҳаллий журналларда 9 та, шундан нуфузли хорижий журналда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 5 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Транспорт корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида транспорт корхоналарининг жамият тараққиётида тутган ўрни,

транспорт корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари ва таҳлилни ташкил этиш хусусиятлари баён қилинган. Боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Статистик кўрсаткичларга назар солсак, автомобиль транспорти бўйича хизматлар кўрсатиш, жумладан, юкларни ташиш мустақилликнинг дастлабки йилларидан етакчилик қилиб келиб, йилдан-йилга ўсиб бормоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Транспорт турлари бўйича юк ва йўловчи ташиш айланмаси⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар								2019 нисбатан
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Транспортда ташилган юклар, млн т	952	1023,4	1095,1	1159,1	1172,5	1256,1	1330,2	1383,9	104,0%
темир йўл	63,7	65,7	67,2	67,6	67,9	68,4	70,1	70,4	100,4%
автомобиль	801,3	868,9	943,3	1002,8	1013,1	1102,2	1177,7	1245,6	105,8%
кувур йўли	65	65,8	60	62,2	65,1	72,4	72	62,8	87,2%
ҳаво йўли, минг т	22	23	24,6	26,5	26,4	13,1	10,4	5,1	49,0%
Транспортда ташилган йўловчилар, млн киши	6989,2	7319,8	7586,0	5560,4	5679,0	5818,0	6109,4	5240,4	85,7
темир йўл	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	22,3	22,9	6,2	27,0
автомобиль	6895,1	7244,4	7511,4	5480,8	5591,3	5719,1	5999,5	5192,9	86,5
ҳаво йўли	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	2,6	3,3	0,9	27,0
электротранспорт (метрополитен)	74,3	54,0	52,3	57,0	64,4	74,0	83,7	40,4	48,3

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, автомобиль транспорти билан 2013 йилда 801,3 млн тонна ҳажмда юк ташилган бўлса, 2020 йилда ташилган юк ҳажми 1 млрд 245,6 млн тоннани ташкил қилган. 2013-2020 йилларда темир йўл, қувур йўли ҳамда ҳаво йўли орқали юк ташиш ҳажмида катта ўзгариш бўлмаган. Автомобиль транспортида юк ташиш эса 2020 йилда 2013 йилга нисбатан 55,4 фоизга ўсган. Таҳлил қилинаётган охириги 2020 йилда ҳаво йўллари орқали юк ташиш пасайиши жуда кескин бўлиб, олдинги йилга нисбатан икки баробарга камайган.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, пандемия даври, яъни 2020 йилда автомобиль транспортида йўловчи ташиш ҳажми олдинги йилларга нисбатан пасайган. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, мазкур пасайиш пандемия туфайли белгиланган карантин чоралари оқибатида автомобиль транспорти


⁴ Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари асосида шакллантирилган.

корхоналарининг фаолияти вақтинчалик ёки тўлиқ тўхтатилиши ҳисобига содир бўлган.

Умуман олганда, хулоса қилишимиз мумкинки, республикада юк ташиш бўйича асосий ўринни автомобиль транспорти эгаллаб келмоқда. Бироқ, ўрганишлар шуни кўрсатдики, автомобиль транспорти билан аҳоли эҳтиёжини, умумий талабни тўлиқ ва доимий қондириб бўлмайди. Чунки инсонларнинг транспортдан фойдаланиши доимо бир хилда кечмайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг баҳор ва кузда қисқа вақт оралиғида чиқиб кетиши ҳамда кириб келиши, бунинг натижасида ташиш хизматлари барқарор бўлмаслиги, қишлоқ хўжалик ва қурилиш ишларининг мавсумийлиги, мамлакат бўйлаб ва хорижга ўқиш ҳамда бошқа мақсадларда чиқишдаги ташишлар транспорт тизимининг «мавсум»га мослашиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса транспорт корхоналарини таҳлил қилиш, мижозлар эҳтиёжини тўлақонли қондириш, харажатларни оптималлаштириш, ташиш нобарқарор бўлган вақтларда транспортларнинг бекор туриб қолиши ва ташиш мавсумида транспортлар етишмаслиги, даромадларни ошириш, умуман олганда, «мавсум» билан боғлиқ ҳолатлар таҳлилини амалга ошириш ва шу асосда тегишли қарорларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, самарадорлик кўрсаткичларининг муҳим ёки қўшимча, асосий ёки асосий бўлмаган дейилиши мазмунан ва амалий жиҳатдан нотўғри. Чунки қўшимча кўрсаткичлар қарор қабул қилишда муҳим ва асосий аҳамиятга эга бўлиши, муҳим кўрсаткичлар аҳамиятли бўлмаслиги мумкин. Шу боис самарадорликнинг асосий муҳим кўрсаткичлари умумий характерга эга эканлиги ҳамда корхона фаолияти натижаларини тавсифлаши, самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсаткичлари эса хусусий характерга эга бўлиб, корхона фаолияти натижаларига олиб борувчи кўрсаткичларни ўз ичига олишини инобатга олиб уларни характерига кўра самарадорликнинг умумий ва хусусий кўрсаткичлари деб номлаш мақсадга мувофиқ (1-расмга қаранг).



1-расм. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари⁵

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарори билан тасдиқланган Низом ва муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

Халқаро амалиётда корхоналар томонидан турли иқтисодий кўрсаткичлар эълон қилинишида аудиторлик ташкилотларининг хулосаси муҳим ҳисобланади. Республикамиз аудиторлик амалиётига кўра аудиторлик хулосалари якунланган йил учун кейинги йилнинг 1 майга қадар олинади ва эълон қилинади. Бироқ ташкилотлар томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари Давлат активларини бошқариш марказининг расмий веб-сайтидаги тегишли шаклни тўлдириш йўли билан эълон қилиниши 1 мартгача этиб белгиланган.

Фикримизча, ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигининг тизимли мониторингини ташкил этиш, эълон қилинган маълумотларнинг бирхиллиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида транспорт ташкилотларида самарадорликнинг муҳим йиллик кўрсаткичларини тақдим этиш муддатини дастлабки вариантда ташкилот бошқарувчилари учун 1 мартгача, тўғриланган ва аудиторлик хулосалари олингандан кейин 1 майгача сайтга тақдим этиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Соҳада иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида автомобиль транспорти ташкилотларида иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, асосий воситалар таҳлили ва автомобиль транспорти корхоналари рентабеллиги таҳлили бўйича ўрганишлар ўтказилган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, корхона активлари рентабелли бўлиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши унинг молиявий барқарорлиги юқорилигини билдирмайди. Шу боис корхонани самарали бошқаришда ҳар бир кўрсаткичнинг ўз ўрни бўлиб, уларни индивидуал таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқот объектларимиз бўйича ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, активлар рентабеллиги ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари айнан маълум олинган фойдага ёки жорий йилдаги кўрсаткичларга боғлиқ эмас (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

«18-автобус саройи» МЧЖда активлар рентабеллиги ва молиявий барқарорлик коэффиценти⁶

Йиллар ва кўрсаткичлар	Активлар рентабеллиги	Молиявий барқарорлик коэффиценти
2013	-0,052	0,80
2014	-0,148	0,70
2015	-0,125	0,66
2016	-0,006	0,68
2017	-0,02	0,50
2018	-0,09	0,91
2019	-0,24	0,83
2020	-0,21	0,82

⁶ Корхона ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, автобус саройида 2013 йилда молиявий барқарорлик коэффициенти меъёрда бўлса-да, активлар рентабеллиги мавжуд эмас, яъни корхона тўлиқ зарар билан ишлаб келмоқда. Мавжуд активларнинг бир сўмлик қийматига $-5,2\%$ зарар билан ишлаган.

Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, қайсидир омиллар таъсирида активлар рентабеллиги пасайган. Молиявий барқарорлик кўрсаткичи 2018 йил ошган ва 2019-2020 йилларда пасайган. Молиявий барқарорлик бўйича энг юқори натижа 2018 йили кузатилган.

Умуман олганда, юқоридаги 2 та кўрсаткич орқали корхона самарадорлигига умумий баҳо берадиган бўлсак, корхона самарасиз ишламоқда ва активлар рентабеллиги жуда паст, деярли мавжуд эмас. Молиявий барқарорлиги эса бу кўрсаткичга боғлиқ бўлмаган ҳолда ижобий ҳолатни ифодалаган. Бироқ, ўрганишлар шуни кўрсатдики, амалдаги тартибга кўра корхоналарда барқарорлик кўрсаткичлари бир йиллик ҳисобот маълумотлари асосида аниқланади. Монографик объектларимизда олиб борилган тадқиқотлардан кўрдикки, жорий йилдаги узоқ муддатли қарздорлик қисмлари кейинги йилга жорий мажбурият сифатида шаклланиши, бу эса ҳеч қандай бошқа операция амалга оширилмаганда ҳам жорий мажбурият суммасининг ошиб кетишига, охир-оқибатда корхона фаолияти кўрсаткичлари нобарқарор бўлишига олиб келишини инобатга олиш лозим. Шу боис корхона молиявий барқарорлигини таҳлил қилганда бир йиллик ҳисобот маълумотлари етарли ва ишончли хулосани шакллантиришга хизмат қилмайди. Жорий йилдаги рақамлар молиявий барқарорликни ифодалаб, кейинги йилда ташқи омиллар таъсир қилмаганда пасайиши кузатилиши мумкин. Шу сабабли, фикримизча, молиявий барқарорлик кўрсаткичини жорий, 3 йиллик ва 5 йиллик барқарорликка бўлган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур корхона бўйича кўрадиган бўлсак, уч йиллик маълумотлар асосида ҳисобланган молиявий барқарорлик 2020 йилда 0,85 ни, 2019 йилда 0,74 ни, 2018 йилда эса 0,69 ни ташкил этган. Чунки олдинги йилдаги молиявий барқарорликка сабаб бўлган қарз мажбурияти кейинги йилларда беқарорликка сабаб бўлиши ёки унинг тескараси кузатилиши мумкин.

Автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан асосий воситаларни 2 та йирик гуруҳга бўлиш лозим. Биринчи гуруҳга автомобиль транспорти корхонасининг бевосита асосий фаолиятини таъминлайдиган ҳаракатдаги таркиб асосий воситалари, иккинчи гуруҳга эса бошқа асосий воситаларни киритиш лозим. Автомобиль транспорти корхоналарида асосий воситаларни ишлатишдаги зарурият, фойдаланиш ҳолати, биринчи навбатда эскирган асосий воситаларни янгисига алмаштириш бўйича қарор қабул қилиниши нуқтаи назаридан асосий воситалар эскириш коэффициенти хам шу гуруҳлар асосида аниқлаш таклиф этилади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб асосий воситаларнинг эскиришини 3 та – **бошлангич, ўрта, юқори** даражаларга ажратиш орқали аниқлаш тавсия этилди (3-жадвалга қаранг).

Асосий воситалар эскириш даражаси⁷

Асосий воситалар эскириш даражаси			
Даража	бошланиш	ўрта	юқори
Эскириш меъёри, фоиз (Э _м)	40	40 – 75	75 – 95

Асосий воситалар эскириш даражаси хизмат муддати ва бажарган иш ҳажмига қараб 3 даражага ажратилишидан келиб чиқиб эскириш даражаларини қуйидагича аниқлаш мумкин (4-жадвалга қаранг).

Автомобиль транспортининг хизмат муддати ва бажарган иш ҳажми бўйича эскириши⁸

Хизмат муддати бўйича эскириши			
Эскириш даражаси (Э _д)	Норма бўйича хизмат муддати (йил) ёки юриш масофаси (км)	Фоиз	Амалда хизмат муддати (йил) ёки юрган масофаси (км)
Бошланғич	5 йил	40	2 йил
Ўрта	5 йил	40 – 75	2 йилдан 4 йил 8 ойгача
Юқори	5 йил	75 – 95	4 йилу 8 ойдан юқори
Бажарган иш ҳажми бўйича эскириши			
Бошланғич	540200	40	216 080 км
Ўрта	540200	40 – 75	216080 – 405150 км
Юқори	540200	75 – 95	405150 км дан юқори

Автомобиль транспорти корхоналарида хизматлар сифат даражасини пасайтирмаслик, ҳаракатдаги таркиб асосий воситаларини доимо янгилаб бориш, молиявий барқарорликни таъминлаш учун асосий воситаларни **бошланғич** даражада эскириш суръатига етганда 10 фоиз, **ўрта** даражага етганда 10 – 30 фоиз, **юқори** даражага етганда 30 – 65 фоиз янгилаш чораларини кўриш лозим (5-жадвалга қаранг).

Асосий воситаларнинг эскириш даражасига мутаносиб равишда янгилашиш даражаси таҳлили⁹

Эскириш даражаси		Янгилашнининг энг кам меъёри		Асосий воситаларнинг эскириш даражасига нисбатан янгилашиш даражасининг энг кичик меъёри	Асосий воситаларнинг қолдиқ яроқлилик ҳолати фоизда
А		Б		$B \div A \times 100$	$100 - A + B$
1-даража	40%	10%	бошланғич даража	25%	$100 - 40 + 10 = 70\%$
2-даража	40%	10%	ўрта даража	40%	$100 - 75 + 30 = 55\%$
	75%	30%			
3-даража	75%	30%	юқори даража	63%	$100 - 95 + 60 = 65\%$
	95%	60%			

⁷ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

⁸ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

⁹ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

Диссертациянинг «Транспорт корхоналарида иқтисодий таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ва ҳисоб-ахборот таъминотини такомиллаштириш, шунингдек, пандемия ва ундан кейинги шароитда автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш масалалари ўрганилган.

Корхона томонидан ҳисобот йилининг охирида катта миқдордаги, қийматликдаги асосий воситаларнинг харид қилиниши, кредитларнинг олинishi ёки, умуман, корхона фойдасини оширишга хизмат қилмайдиган активларнинг пайдо бўлиши ўз-ўзидан активлар ўртача қийматини оширади. Корхона нуқтаи назаридан бу ижобий ҳолат. Аммо, амалдаги формулага кўра, янги кириш қилинган активлар қиймати соф фойдага таъсир ўтказмасда, активлар ўртача йиллик қийматининг ошишига, бу эса активлар рентабеллигининг пасайишига олиб келади. Фикримизча, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари активлар рентабеллигини аниқлашда тўлиқ ҳисоб-ахборот таъминоти бўла олмайди.

Фикримизча, активлар рентабеллигини аниқлашда бухгалтерия ҳисоб маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Активлар рентабеллигини аниқлаш ва унинг ҳисоб-ахборот таъминоти¹⁰

Аниқлаш формуласи	Ҳисоб-ахборот манбаи
Активлар рентабеллиги	$Kap = \frac{\Phi\phi}{A\dot{y}pt}$ <p>Бунда: $\Phi\phi$ – Активлар иштирок этган фаолият ёки операциядан олинган фойда (Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади); $A\dot{y}pt$ – Фойда олишда қатнашган активларнинг ўртача йиллик қиймати (Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади).</p>

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, молиявий барқарорлик коэффиценти узоқ муддатли мажбуриятлар ва хусусий капитал суммаси йиғиндисининг баланс жами суммасига нисбати сифатида аниқланади. Бу кўрсаткич учун норма бўлиб, 0,8-0,9 олинган. 0,75 дан паст бўлиши хавфли эканлиги келтирилган. Буни рақамларга айлантирадиган бўлсак, пасив таркибида 10-20 фоиз атрофида жорий мажбуриятлар бўлиши мумкин деган хулоса чиқади. Акс ҳолда, молиявий барқарорлик коэффиценти пасайиб кетади.

Ваҳоланки, жорий активлар таркибидаги аксарият кўрсаткичлар жорий мажбуриятлар билан бевосита боғлиқ. Агар жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати (тўлов қобилияти) 1,25 баробар бўлганда нормал ҳолат ҳисобланади. Мисол учун, умумий сумма 100 сўм деб оладиган бўлсак, шундан 10 фоизи жорий мажбурият бўлганида жорий активлар 15 сўм бўлиши корхона мутлақ тўловга лаёқатли эканини англатади. Шу билан бирга, корхона

¹⁰ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

активларининг 90 фоизи хусусий капитал ва узоқ муддатли мажбурият, 85 фоизи узоқ муддатли активлар ҳиссасига тўғри келади.

Дебитор қарздорлик таҳлилини амалга оширишда қўлланиладиган кўрсаткичларда сотишдан тушум ўсиб бориш тартибида ҳисобланиб, йил давомидаги жами тушум қўшилса, дебиторлик қарзи фақатгина йил боши ва йил охиридаги қийматнинг ўртачаси сифатида олинади. Бундан дебиторлик қарзи, ҳатто муддати ўтган дебиторлик қарзи ҳам йил давомида катта суммани ташкил этса-да, ҳисобот даврининг охирида камайтирилган бўлса, дебиторлик қарзининг айланиш коэффиценти жудаям паст чиқади. Шу боис дебиторлик қарзларининг йиллик ўртачасини аниқлашда барча дебиторлик қарзларининг йиллик ўртачасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур тартибни кредиторлик қарзларининг ҳам кунлик айланмасига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ.

Узоқ муддатли дебиторлик қарзларининг яқин 3-6 ой давомида жорий активга ўтказиладиган қисми, узоқ муддатли мажбуриятларнинг яқин 3-6 ойда жорий мажбуриятларга ўтказиладиган қисми тўлов қобилияти кўрсаткичини аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Шу боис унинг ахборот таъминоти ҳам фақатгина бухгалтерия баланси маълумотлари асосида шакллантирилмайди (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

Тўлов қобилияти коэффиценти аниқлаш ва унинг ҳисоб-ахборот таъминоти¹¹

Аниқлаш формуласи	Ҳисоб-ахборот манбаи
Тўлов қобилияти коэффиценти	$K_{тқ} = (ЖА - ТБЖА) + УМДҚЖҚ / (ЖМ + УММЖҚ)$ <p>Бунда:</p> <p>ЖА – 1-Шнинг II қисми, 390-сатри;</p> <p>ТБЖА – Тўлов бўлмайдиган жорий активлар;</p> <p>УМДҚЖВ – Узоқ муддатли дебиторлик қарзларининг яқин 3 – 6 ойда жорий активларга ўтказиладиган қисми – бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан олинади.</p> <p>ЖМ – Баланс пассивининг II қисми, 600-сатри;</p> <p>УММЖҚ – узоқ муддатли мажбуриятларнинг яқин 3 – 6 ойда жорий мажбуриятларга ўтказиладиган қисми – бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан олинади.</p>

Бу эса автомобиль транспорти корхоналарига нафақат қисқа муддатли, балки узоқ муддатли тўлов қобилиятини аниқлаш имконини беради.

Автомобиль транспорти корхоналарида асосий воситалар билан боғлиқ айрим кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда кўрсаткичлар йиллар кесимида ўзгариб турганлигини кўришимиз мумкин (8-жадвалга қаранг).

¹¹ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

Асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили¹²

№	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йил базис йилга нисбатан, %	2019 йил олдинги йилга нисбатан ўсиши, %
18-автобус саройида										
1	АВ эскириш коэффициенти	0,62	0,66	0,7	0,59	0,6	0,61	0,61	98	100
2	Фонд қайтими	1,02	1,28	1,34	1,08	0,74	0,69	0,17	17	25
Сарбон нефтегаз										
1	АВ эскириш коэффициенти	0,5	0,48	0,51	0,59	0,63	0,71	0,76	152	107
2	Фонд қайтими	2,5	2,05	1,98	1,89	1,6	1,96	0,27	11	14
Tapesh Trans										
1	АВ эскириш коэффициенти	0,26	0,32	0,33	0,39	0,33	0,34	0,06	23	18
2	Фонд қайтими	0,8	0,17	0,3	0,44	1,09	1,12	0,37	46	33
Ravon Kelajak										
1	АВ эскириш коэффициенти	0,73	0,93	1	0,79	0,87	0,87	0,96	132	110
2	Фонд қайтими	0,83	1,17	14,75	7	10,44	10,44	2,09	252	20

